

Мавлоно Неъматуллоҳ Аъзамий ҳафизаҳуллоҳнинг Самарқандга қилган сафарлари яқунланди



18:59 / 07.10.2019 2432

Бугун 2019 йил 7 октябрь куни Ислом дунёсининг машҳур олими Мавлоно Неъматуллоҳ Аъзамий ҳафизаҳуллоҳ сафарларининг иккинчи кунини Самарқанд шаҳридаги Абу Муҳаммад Абдуллоҳ бин Фазл бин Баҳром Доримий Самарқандий роҳматуллоҳи алайҳнинг зиёратларидан бошлади.



Меҳмонлар у ерда Имом Доримий ҳазратлари қабрини зиёрат қилишди. Мавлоно Неъматуллоҳ Аъзамий ҳафизаҳуллоҳ ва меҳмонлар қабрларни зиёрат қилиш қонун қондаси шариатда қандай кўрсатилган бўлса, намуна билан адо этишди.





Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Абу Муҳаммад Абдуллоҳ бин Фазл бин Баҳром Доримий Самарқандий роҳматуллоҳи алайҳ хижрий 181, милодий 798 - санада Самарқандни қадимий Дорам мавзеида таваллуд топганлар. Ўзининг саҳиҳи билан имом Муслимнинг шайхларидан, устозларидан саналади. Самарқандда қозилик лавозимида хизмат қилганлар. Бу зоти бобарокат оқил, фозил, муфассир ва фақиҳ эдилар. Самарқандга ҳадис илмини тарқатдилар.





Сўнгра Мавлоно Неъматуллоҳ Аъзамий ҳафизаҳуллоҳ Хожа Аҳрор Валий мажмуасини зиёрат қилдилар. Хожа Аҳрор Валий ўз замонларида бутун Мовароуннаҳр ва Хуросонда машҳур шахс бўлган.







Кейин меҳмонлар зиёратгоҳ яқинида жойлашган Нодир Девонбеги мадрасасига ташриф буюриб, мадраса пештоқига ёзилган Аллоҳ таолонинг оятларини ўқиб тарихдан бу маскан илмга эътиборли эканлигига шохид бўлишди.



Бу мадраса Хожа Аҳрор хонақоси ёнида жойлашганлиги боис, халқ орасида «Хожа Аҳрор мадрасаси» деб ҳам юритилади. Бу мадраса XV асрга

мансуб меъморий ёдгорликлардан бири ҳисобланади. Мадраса 1630-1631 йилларда Нодир Девонбеги маблағи ҳисобига қурилган.



Хожа Аҳрор Валий зиёратидан сўнг улуғ муҳаддис, усулий фақиҳ, баҳрул улум, Мавлоно Неъматуллоҳ Аъзамий ҳафизаҳуллоҳ ва меҳмонлар машҳур қонуншунос ва илоҳиёт олими Абу Лайс Самарқандий қабрини зиёрат қилдилар. Бу улуғ муҳаддис Самарқандда шайхулисломлик қилган, замонасининг фозил ва нуфузли кишиси бўлган.



Ушбу зиёратгоҳ 2000 йилда Чокардиза қабристони ҳудудида калом илмининг мотуридия оқими асосчиси Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳанафий ал-Мотуридийга бағишлаб бунёд этилган.





ISLOM.UZ



ISLOM.UZ





Куннинг иккинчи ярми аср намозидан сўнг меҳмонлар Шоҳи Зинда мажмуаси зиёратида бўлишди.

Шоҳи Зинда мажмуаси нафақат тарихий-меъморчилик ёдгорлиги, балки машҳур алломалар, авлиёлар, лашкарбошиларнинг абадий оромгоҳи ҳамдир.







Мусулмон тарихчиларининг ёзишларича, Шоҳи Зинда номи Набий алайҳиссаломнинг амакиваччалари Қусам ибн Аббос билан боғлиқ.

Самарқандлик тарихчи Абул Ҳакимийнинг ёзишича, Қусам ибн Аббос пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг муборак юзларини кўрган охириги кишидир. Қусам ибн Аббос розияллоху анҳу VIII асрларда араб лашкарлари таркибида Самарқандга келган ва бу ерда дини исломни тарғиб қилиш билан машғул бўлган.

Зиёратдан сўнг, шом намози адо этилиб, меҳмонлар Регистонни томоша қилишди.





Шу аснода, Мавлоно Неъматуллоҳ Аъзамий ҳафизаҳуллоҳнинг Самарқандга қилган сафарлари ўз якунига етди.

Ташрифга доир маълумотлар интернет ижтимоий тармоқларидаги расмий саҳифаларимизда ёритиб борилади.

Islom.uz портали